



ResearchGate



IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245

VOLUME 7, ISSUE 2, 2024

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА АУТСОРСИНГ УСУЛИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНТИРИШ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қувондиқов Акбарали Қурбонмуротович

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини бугунги ҳолати, уни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, давлат бюджети харажатлар қисмининг таҳлили ҳамда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар

Бюджет харажатлари, аутсорсинг, бюджет ташкилоти, иқтисодий самарадорлик, овқатланиш тизими, давлат бюджети, кичик бизнес, бандлик, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, овқатлантириш.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Қарор билан давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом, давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда 2019-2021 йилларда давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига кўра ташкил қилиниши белгиланди.

Қарорда айтилишича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг сўрови бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги ўртача бозор нархлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилиши ва тақдим этилишини таъминлайди.

Хужжатда белгиланишича:

овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсер томонидан овқатлантиришни ташкил этиш учун фойдаланиладиган коммунал хизматлар тўловлари мактабгача таълим муассасасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланади;



давлат мактабгача таълим муассасасида овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилганда, ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўлов ноль ставка бўйича белгиланади;

овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилиши муносабати билан тежалган пул маблағлари, биринчи навбатда, давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг овқатланиш шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

мактабгача таълим муассасаларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги, ошхоналар ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари бажарилишига риоя этилишини аниқлаш юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда санитария ҳолати ўрганиб борилишини ташкил этади;

Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни белгиловчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини уч ой муддатда қайта кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш чораларини кўради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида тегишли йил учун тасдиқланган умумий квоталар доирасида “Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш” йўналиши бўйича талабни инобатга олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўяди.

Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга истеъмол учун берилётган таомлар сифати бўйича қатъий назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан овқатлантириш ташкил этилганда ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларининг ҳар уч йилда бир марта малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

Одатда боғчаларда овқатни шу муассасанинг ўзида доимий ишлайдиган ошпазлар тайёрлашади, озиқ-овқат маҳсулотлари эса боғча маъмурияти ихтиёрида бўлади. Аутсорсинг тизимида бундай эмас. Боғча тарбияланувчиларининг хавфсиз овқатланиши учун алоҳида корхона масъул бўлади. Белгиланган тартибда тендер асосида танлаб олинadиган бу корхона ўзи бириктирилган МТМ ошхонасини ижарага олиб, санитария-гигиена талаблари асосида сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатади.

Энг муҳими, танлов жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини тадбиркорнинг ўзи етиштиришига эътибор қаратилади. Бу болалар овқати учун ишлатилadиган маҳсулотларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим, омил ҳисобланади.



- Ушбу ташаббус тадбиркорлар томонидан ижобий кутиб олинди, - дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси соғлом ва хавфсиз овқатланишни ташкил этишдир.

– Айти пайтда сурхондарё вилоят бўйича 28 та мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларни овқатлантиришнинг аутсорсинг тизими йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимининг тегишли қарори асосида ўтказилган танлов натижаларига кўра “Нишон кўзгу” ва “Вақт завқи” МЧЖлар ушбу муассасаларга овқатланиш хизматини кўрсатиш ҳуқуқини кўлга киритишган.

-Янги тизим ҳар томонлама қулайлиги билан фаолиятимизда қўл келмоқда, - Энг муҳими, энди озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, уни сақлаш каби юмушлардан ҳоли бўлиб, муассасада таълим-тарбияни ривожлантириш борасида изланаяпмиз. Тарбиячилар ҳам кўпроқ вақтини болажонлар билан машғулот ўтказишга сарфлайди.

Қувонарлиси, аутсорсинг жорий этилган барча МТМларда бир хил таомнома асосида таомлар тайёрланади. Унинг мутахассислар томонидан тузилиб, тасдиқланиши бола саломатлигига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, аутсорсинг усули тарбияланувчилар учун хавфсиз овқатланишни таъминласа, боғча маъмурияти учун қулай хизмат демакдир. Бор эътибор таълим-тарбияга қаратилаётгани болажонларимизнинг билимли ва ақлли бўлиб ўсишини таъминлаши шубҳасиз.

2.2. Тиббиёт муассасаларида аутсорсинг тизими жорий қилинмоқда

Мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли орасида тиббий маданиятни тарғиб этиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

2019 йил 24 январь — 18 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат таркибда тузилган Республика ишчи гуруҳи юртимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганган эди.

Ушбу ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган алоҳида “йўл харитаси”да бир қатор муҳим йўналишлар бўйича вазифалар белгиланди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлаш тизими соҳасида биттадан худудни намунали туманга айлантириш вазифаси ҳам қўйилган эди.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика марказий тиббиёт муассасалари ҳамда тегишли идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳи томонидан Сирдарё вилоятида илк сабъ-ҳаракатлар бошланди. Вилоятнинг Гулистон шаҳри ҳамда Боёвут туманида аҳолига кўрсатиладиган тиббий-санитария ёрдамини намунали шаклга келтириш мақсадида қатор ишлар қилинмоқда.



Масалан, вилоятда дастлаб мактабгача таълим муассасаларида жорий қилинган аутсорсинг тизими эндиликда тиббиёт муассасаларига ҳам татбиқ этилмоқда.

Хўш, аутсорсинг ўзи нима, унинг қандай афзалликлари бор?

Таъкидлаш жоиз, илгари таъминот корхонаси шифохоналар ошхонасига маҳсулотни етказиб берган, аммо овқатнинг сифатига масъул бўлмаган. Аутсорсингда эса, ошхона ҳам, ошпазлар ҳам бир тизим таркибида бўлади ва бу мазкур йўналишда сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши, ошхонага маҳсулот етказиб берувчи ва таом тайёрловчининг бирдек масъулият билан ишга ёндашишини англатади.

Бошқача айтганда, авваллари шифохоналарда ичбуруғга чалинган беморга ҳам, қон босими юкори ёки камқувват беморларга ҳам бир хилда таом тайёрлаб берилган. Эндиликда эса барчаси бошқача: даволовчи шифокорнинг беморларга овқатланиш тартиби бўйича буюрганига кўра, ҳар бир беморнинг овқатланишига индивидуал ёндашилади.

Вилоятдаги тиббиёт муассасалари орасида биринчи бўлиб соғлом овқатлантириш бўйича аутсорсинг тизими Гулистон шаҳар марказий шифохонасида жорий қилинди.

Аутсорсинг тизими — овқатланишни ташкил қилиш тизимида янгиликдир, — дейди технолог Ҳайитбой Худойбердиев. — Яъни бу овқатнинг сифатини яхшилаш, соғлом овқатланишни ташкил қилиш борасидаги янги бўғиннинг пайдо бўлишини англатади. Таомларнинг турлари кенгайтирилади. Даволаш билан тўғри овқатлантириш параллел равишда олиб борилса, ҳар қандай хаста эрта соғайиши амалиётда исботланган. Аутсорсингнинг фойдаси шуки, унда тиббиёт муассасалари ошхоналарида турли хил касалликлар билан даволанаётган беморларнинг ҳолатига қараб, даволовчи шифокорлар, диетолог врачлар билан маслаҳатлашган ҳолда, мақбул овқатларни тайёрлаш имконини беради, бу борадаги сифат кўрсаткичлари янада яхшиланишига шароит яратади. Бир пайтнинг ўзида беморларнинг овқатланиши маданиятини ривожлантиришга, тиббиёт муассасаларида хизмат кўрсатиш тизimini яхшилашга кўмаклашади.

Албатта, Гулистон шаҳри ва Боёвут туманида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдамнинг намунали шакли тиббий хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш тизимидан розилигини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан Сирдарёда амалга оширила бошланган ушбу янгилик республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизimini аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 январдаги 52-сонли қарори.
2. “Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби



тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2020 йил 24 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг 323-сонли қарори.

3. “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июльдаги 626-сонли қарори.

4. “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинмаларида овқатланишни ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 693-сонли қарори.

5. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарори.

6. Давронов Ф.К “Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш муамолари” мақола. Экономика.

7. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Тошкент, “Ўзбекистон”.

8. “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4913-сонли қарори.

9. Пилипчук В.А., Курасова Е.А Аутсорсинг в бюджетных учреждениях Российской Федерации.

10. Срождинова З.Х Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими Т..“ООО NORI” 2011 й. 500 бет.

WORDLY
KNOWLEDGE